



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 1 май, № 84 (4237)

Сешанба

## ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 30 апрель куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикасининг Тараққиёт ва ислоҳот ишлари бўйича давлат қўмитаси раиси Ма Кайни қабул қилди.

— Биз Ўзбекистон билан Хитой ўртасида қарор топган муносабатларни қадрлаймиз, — деди Ислам Каримов. — 2005 йили Пекинда мамлакатларимиз ўртасида стратегик аҳамиятга молик ҳужжат — Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланди. Узаро муносабатларимиз йилдан-йил тобора бой мазмун касб этмоқда.

Хитойнинг БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси эканлиги, халқаро аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда унинг нуқтаи назари ва қарашларига алоҳида эътибор берилиши, ҳарбий салоҳияти, коиноти тадқиқ этишдаги ютуқлари, шунингдек, ялпи ички маҳсулот, ташки савдо ва экспорт ҳажми жиҳатидан етакчи ўликка кириши, иқтисодий ўсиш борасида олдинги ўринларда туриши Чин юртининг жаҳон иқтисодиёти ва халқаро сўбат майдонидagi юксак нуфузидан далолатдир. "Осиё аждарлари"нинг ақсариятини анча ташвишга солган 1997 йилги Жануби-шарқий Осиё иқтисодий бўҳрони Хитойга жиддий таъсир кўрсатмагани ҳам унинг нуқтаи назари ва салоҳияти билан баландлигини кўрсатди.

Ўзбек ва хитой халқлари алоқаларининг тарихи Буюк Ипак йўли давридан — неча минг йилликлар қаъридан бошланади. Бугунги алоқалар ҳозирги замоннинг энг долзарб талабларига мос ҳолда ривожланиб бормоқда. Албатта, бунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш масалаларига қарашлари, халқаро ва минтақавий муаммоларга ёндашувлари ўхшаш эканлиги, Ислам Каримов ва Ху



Цзиньтао ўртасида мустаҳкам дўстона муносабатлар қарор топгани муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ва Хитой ўртасида давлат раҳбарлари, вазирлик ва идоралар, илмий доиралар, маданият ва санъат намояндalari, иш одамлари даражасидаги учрашувлар мунтазамлиги касб этгани ҳам икки томонлама муносабатлар ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат асосида раванк топиб бораётганидан далолатдир. 2004 йили ХХР Раиси Ху Цзиньтао давлат ташири билан Ўзбекистонга келди. 2005 йили Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ислам Каримов давлат ташири билан Хитойга борди. Пекин саммити асосида Ислам Каримов ва Ху Цзиньтао томонидан имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига кўтаришга хизмат қилди.

Ўзбекистон ва Хитойнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги муносабатлари ҳам ривожланиб бормоқда. Терроризм, экстремизм, айирмачилик каби таҳдид-

лантириш жараёнини содда-лаштиришга, янги йўналишларни очишга хизмат қилди. Савдо-саноат палаталари, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги вазирликлари ўртасида ўзаро алоқалар йўлга қўйилган.

Сармоявий ҳамкорлик хусусида Тошкент ва Пекин саммитларида эришилган келишувлар Ўзбекистонга қарий 2 миллиард АҚШ доллари миқдорда Хитой инвестицияси киритилишини назарда тутишни таъкидлаш жоиз. Жумладан, нефть-газ соҳасидаги ҳамкорликка оид битимнинг молиявий қиймати 600 миллион АҚШ долларига тенг. Яқинда Хитой Тараққиёт банки бош директори Ю Сюпиннинг Ўзбекистонга ташири чоғида "Алоқабанк" акциядорлик-тижорат банки билан мазкур муассаса ўртасида кредит шартномаси имзоланди. Ушбу ҳужжатта биноан Хитойнинг "Huawei Technologies" компанияси билан ҳамкорликда "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясига қиймати 18,3 миллион АҚШ долларига тенг телекоммуникация ускуналари лизинг асосида етказиб берилади.

Ма Кай Хитой Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдори эканлигини таъкидлаб, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик истиқболига доир масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

(Ў.А.)  
СУРАТДА: ҚОБУЛ ПЕЙТИ.  
АБДУВОҲИД ТўРАЕВ  
олган сурат.

Мамлакатимизда 2007 йил "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинганлиги ҳамда 2007 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-573-сонли Қарори қабул қилинганлиги ижтимоий дастурларни амалга оширишда давлат органлари, турли муассаса ва ташкилотлар, кенг жамоатчиликка қўшимча омил бахш этди.



## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тегишли тадбирлар режаси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2007 йил 27 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида ҳамда Сенатнинг тадбирлар режасида белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши тўғрисида Сенат қўмиталари раисларининг ҳисоботлари тингланди. Мажлиси Сенат Раиси И.Собиров олиб борди.

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Сенатнинг ҳудудий вакиллик органи эканлигини инобатга олиб, қўмиталар ўз фаолиятларида кўп болали ва кам таъминланган оилалар-

нинг, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронлар, пенсионер ва талабаларнинг манфаатларини ҳимоя этишга алоҳида эътибор бермоқда. "Меҳрибонлик" уйлари ва иқтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ёшларнинг касб маҳорати ва маънавий камолотини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилиш ва спорт билан шуғулланишини кенг йўлга қўйиш, шунингдек ижтимоий ҳимоя тадбирлари манзилли ва аниқ йўналтирилган бўлишини таъминлаш ҳам аҳамият нуқтаи назаридан муҳим вазифалар ҳисобланади.

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ҳамда Сенатнинг тадбирлар режасида белгиланган вазифаларни бажариш, шунингдек ўтказилган тадбирларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш мақсадида Се-

нат қўмиталарининг аъзолари жойларда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларининг депутатлари, шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари, раис масолаҳатчилари ва фаоллар билан, фермер хўжалиқларининг раҳбарлари билан учрашувлар ўтказмоқдалар.

Жорий йилнинг биринчи чорагида қўмиталарнинг аъзолари томонидан фуқароларни қабул қилиш, ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан уларнинг ёзма ва озаки мурожаатларини ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Фуқароларнинг 400 дан ортқ мурожаатларида кўтарилган муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли чоралар кўрилди. Қўмиталарда фуқаролардан тушган аризаларни жойларга чиқиб ўрганиш амалиёти йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда.)

## Президент Фармонини ўқиб...

### ДАВРАМИЗНИНГ ТЎРИ СИЗНИКИ

Президентимизнинг 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 62 йиллиги муносабати билан навбатдаги, гоёта инсоний мазмун-моҳиятли Фармони куни кеча матбуотда эълон қилинди.

Ушбу Фармонга биноан, юртимизда яқинлашаётган таваруқ байрам арафасида уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари кўрилади ҳамда мамлакатимизда соғ-саломатликда, эл-юрт эътибори ва ғамхўрлиги шариоатида яшаётган муқтарам нуронийларимиз — иккинчи жаҳон уруши қатнаш-

чилари ва ногиронларининг ҳар бирларига 50 миңг сўмдан бўлган миқдордаги пул мукофотлари тақдим этилади. Ушбу мукофот пуллари муқтарам қарияларимизга, улар мамлакатимизнинг қаерида яшашсин — уша жойларда, тантанали ва байрамона вазиятда топиширилади. 9 май байрами арафасида пиру бадавлат ва инсон-

лар шаъну шарафига бағишлаб ҳоқимликларда, вазирликларда, қўмиталарда, жамғармалар ва бошқа ташкилотларда махсус учрашувлар ҳамда маърифий-бадиий кечалар ташкил этилади. Мўътабар кексаларимизнинг ҳурмат-эҳтиромлари, юксак инсоний қадр-қимматлари ўрнига қўйилди.

Инсон эъзоси кенг тушунча. Жумладан, ўтганлар хотирасини унутмаслик, ҳар қандай шариоатда ҳам инсон қадрини улуғлаш — бу тушунчанинг энг муҳим жиҳатларини ташкил этади.

(Давоми 2-бетда.)

## ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Тараққиёт ва ислоҳот ишлари бўйича давлат қўмитаси раиси Ма Кай раҳбарлигидаги делегация 30 апрель куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов билан учрашди.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар, хусусан, нефть-газ, энергетика, алоқа ва ахборот технологиялари каби соҳалардаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарла-

рининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда хитойлик меҳмонларга мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл сармоясини жалб қилиш-

нинг устувор йўналишлари, юртимиздаги хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Музокарада нефть-газ саноати, транспорт коммуникациялари, юқори технологиялар, энергетика, қончилик, машинасозлик каби со-

ҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, биргаликда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинди. Ишга солинмаётган имкониятларни ўрганиб чиқиш ва улардан фойдаланиш, ҳамкорликнинг салоҳиятини тўлиқ юзга чиқариш йўллари юзасидан фикр алмашилди.

— Ташриф асосида юртингизда иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалар изчил ривожла-

(Давоми 2-бетда.)

## Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Қашқадарё заминда адабиёт ва спорт байрами



### БЕБАҲО НЕЪМАТ НАШИДАСИ

Қашқадарё вилоятида "Ижтимоий ҳимоя йили" ва соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 671 йиллигига бағишланган адабиёт ва спорт байрами бўлди. Ун мингдан ортқ одам иштирок этган бу кенг миқёсли тадбир "Истиқлол. Адабиёт. Кураш" шиори остида ўтди. Байрам М. Тошмухаммедов номи вилоят театрида бошланди, Косон туманидаги мактабларда давом этди, Қўнғиртўғон этакларида ниҳоясига етди. Унинг акс-садо-симондарию спорт ишқибозлари қалбини тўлқинлантириб турибди.

(Давоми 2-бетда.)

### ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Адлия вазирлигида "Инсон манфаатлари — давлат ҳимоясида" мавзусида ўтган семинар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисидаги қарори ижросига бағишланди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик, давлат қўмиталари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламини янада кенгайтириш, жамиятда ҳамжихатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини

(Давоми 2-бетда.)

### Хонжиза хазинаси

Сурхондарёнинг Хонжиза тоғларида минглаб тонна мис, кумуш, қўроғшин каби рангли металллар борлиги аниқланган.



Шунинг учун бу ерда 2007-2009 йилларда руда ишлаб чиқариш фабрикаси ва бошқа иншоотлар қуриш режалаштирилган эди. Яқинда ушбу иншоотлар қурилишини лойиҳалаш бўйича тендер савдолари бўлиб ўтди. Яқин уч йил давомида Хонжизада шахт бунёд этилади. 33 километрлик йўл реконструкция қилиниб, йилиги 650 миң тонна рангли металлни қайта ишлайдиган корхона қурилади.

Корхона тўла қувват билан ишлаб бошлагач, вилоятнинг экспорт салоҳияти икки баравар ошади. Бундан ташқари уч ярим миңга янги иш ўринлари яратилади.

О. УСАНОВ,  
"Халқ сўзи" мухбири.

### ТАЛАБАЛАР ФОРУМИ

Тошкент ислом университетидa Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишига бағишланган республика талабалари форуми бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги олий таълим даргоҳлари талабалари, олимлар, ўқитувчилар иштирок этди. Тошкент ислом универ-

(Давоми 2-бетда.)



Ҳамал ойининг тўртинчи кунда Самарқанд сари йўл тутдим. Етти кун тинимсиз ёққан ёмғир шивирлари гурқираган майсалар тилларига кўчган, нафис, кўм-кўк сас намхуш ҳавога қоришиб, ажиб сархуш кайфиятни қитқиллаётгандай... Собир Раҳимов метро бекати ёнида Самарқандга қатнайдиган, ўзимизнинг "Нексия"лардан бирига жойлашдим. Кўз очиб юмгунча десам лоф, лекин 3 соатда Самарқандга етиб келдим. Кўз тегмасин, жаҳон автомобилсозлик саноатида ўз ўрнинини эгалладик. Яна бир муҳим жиҳат: "Ўзбекистонда ишлаб чиқа-Қисқаси, "Бу машина — бизники".

— Мени Регистонда қолдиринг, — дейман чағдаст ҳайдовчига. Регистондан ўтиб, руҳим тетиклашиб, уйга бораман. Онам хабаримни эшитиб, остонага чиқиб олган. Пешонамдан ўпадилар. Қап-қатта эркак бўлсам-да, ёш боладай онамни кўчиб оламан. Юзларини юзимга босаман. Онам эринмай невараларини сўрайдилар. Дастурхон тўшалади. Гурунг қизийди.

— Бирор иш-юмушингиз борми, болам? — қизикадилар.

— Ҳа, Самарқанд ҳақида ёзмоқчиман. — Онам уйланиб қоладилар.

— Имом Бухорийдан бошланг, ҳар йил зир-эратта бораман. Бирам обод, хуш манзил бўлган, кўнгли ором топади, ғубори кетади... Эрталаб. Онам билан хайрлашиб, Чепалка йўл оламан. Уйларим айқаш-чўйқаш. Имом ал-Бухорий ҳазратлари ҳақида ўйлай бошлайман.

870 йил, Бухоридан аини изғиринлар чанг очган пайти қўвғин қилинган, хўрланган Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий холдан тойиб, Чепак яқинидаги Хартанг қишлоғига етиб келадилар. Хасталанган ҳазратни самарқандлик алломалар шаҳарга боришга кўндирдилар. Ҳазрат кийиниб, йўлга тушадилар, бир-икки қадам қўйгач, ортага қайтадилар. — Менинг тулпорим шу ердага ўхшайди, шу ерга дафн қилинсам керак, — дейдилар ва ёношлаб жон берадилар.



(Давоми 4-бетда.)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурини амалга ошириш юзасидан кўмиталарнинг иш режаларига мувофиқ, жумладан, 2007 йил 24 мартда "Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг аҳоли, муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари" мавзусида Сенатда давра сўхбати ўтказилиб, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди. "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилиши ишчи гуруҳи томонидан Сурхондарё вилояти мисолида ўрганилди.

Шу йилнинг бошларида халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши билан биргаликда Урта Чирчиқ туманидан "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ва доимий комиссияларининг "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурини амалга ошириш борасидаги асосий вазифалари" мавзусида семинар ўтказилди. Семинарда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда уларнинг доимий комиссиялари томонидан фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди. Тадбир якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилиниб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ де-

путатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига юборилди.

Самарқанд шаҳрида 26 апрель кuni "Ноғирон ва етим болаларни жисмоний тарбиялаш ҳамда соғломлаштириш соҳасида халқаро ҳамкорлик" мавзусида конференция ўтказилди. Конференцияда вазирлик ва идораларнинг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари ҳам иштирок этдилар. Бундан ташқари шаҳардаги 62-сонли ноғирон болалар мактабига, шунингдек "СОС-Киндерсдорф" болалар уйига ҳоимийлар маблағи ҳисобидан олинган ўқув ва спорт ашёлари топширилди.

Кенгаш мажлисида Сенат кўмиталари аъзолари томонидан "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасидаги тадбирларни амалга ошириш юзасидан муайян ишлар қилинганлиги таъкидлаб ўтилди. Кўмиа аъзоларининг айна шу йўналишдаги имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланиш, фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларнинг оғишмай ижро этилишини назорат қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Мажлисида муҳокама якунлари олдига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизда аждодлар хотирасини абадийлаштириш масаласида қанчадан-қанча эзгу ишлар қилинди. Эл-юрт озодлиги, мустақиллиги ва уни раванқ топтириш йўлида ўзини фидо этган буюк бобоқалонларимизнинг хизматлари ва номлари халқимиз қалбида бугун чуқур эъзоз топмоқда. Жумладан, иккинчи жаҳон урушида фахат Ўзбекистоннинг ўзидан 1,5 миллиондан кўпроқ юртдошларимиз фашизмга қарши жангларда иштирок этди. Улардан 400 миң нафар ҳарб майдонларида ҳалок бўлди. Фашизм устидан ғалабани таъминлашда қатнашиб, инсониятни фашизм балосидан олиб қолиш йўлида жонларини аямаган бу аълоий инсонларнинг қадри-қиммати ҳозирги авлодлар учун бениҳоят азиз ва ибратлидир. Шу боисдан Президентимизнинг 1999 йил 2 майдати Фармони билан, 9 май кунининг бундан кейин "Хотира ва қадрлаш кунини" деб атала бошланганлиги беҳад адолатли иш бўлди. 9 май, мана саккизинчи йилки, мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш кунини сифатида нишонланиб, ўтганлар

нинг руҳи шод этилмоқда. Юртбошимиз аждодлар хотирасини қадрлаш билан бир қаторда бугун орамизда яшаётган, ёшлари 90-100 ни қоралаган иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва но-

бериб, давлат ҳисобидан пул мукофотлари билан беминнат сийламоқдалар. Албатта, бу ўринда гап фақат пул мукофотларининг ўзигагина эмас. Ҳамма гап давлатимиз раҳбарининг уруш кўрган

рини қилиб яшаётган бир қарияман. У киши армонларимизни ушалтирди. Бизни мустақилликка олиб чиқдилар. Бугун юртимизда жуда кўп яшайликлар, қурилишлар, ўзгаришлар юз бермоқда. Ҳаёт тобора чирой очиб келаяпти. Биз қарияларни-ку, у киши асраб-авайлаб, доимо кўнглимизни сўраб, тез-тез йўқлаб, нима десак, айтган шартларимизни тўла-тўқис яратиб бераётдилар. Кексаларга ғамхўрлик, эътибор қўрашати бўлса, шунча бўлади-да. Биз жуда миннатдоримиз давлатимиз раҳбаридан. Бахтимизга, Ватанимиз ва халқимизнинг толеига кўп йиллар омон бўлсинлар. Бугун элнинг ободлиги ва фаровонлиги йўлида олиб бораётган катта микёсдаги ишларининг ривожини берсин, илоҳим. Ўзбекистонимиз, албатта шу ривожланишда бошқа эл-юртларнинг ҳавасини келтирадиган бир мамлакат бўлади. Уша кунларга бизларни ҳам етказсин, Яратган эгам.

Раҳим отанинг бу фикрлари Ўзбекистондаги барча уруш қатнашчилари ва ноғиронлари, барча нуруний отахонлар ва онахонларнинг дил сўзлари десак, бор гапни айтган бўламиз.

Михил САФАРОВ.

# ДАВРАМИЗНИНГ ТЎРИ СИЗНИКИ

гиронларининг ҳам эл-юрт микёсида хурмат-эҳтиромини урнига қўйиш масаласига алоҳида эътибор қўрашмоқдалар. Халқимиз беҳижга нуруний инсонларга «Давраимизнинг тўри, қалбимизнинг кўри сизники» деймайди. Улар жаҳонда энг катта нафақалар билан таъминланган, оромгоҳларда дам олиш ва шифохоналарда даволанишлари давлат томонидан қаролатилган. Бу ганимат инсонларни турли-туман иштироқчилар билан кўнглиларини шодлантириш чора-тадбирлари ҳам тинчлик сизники бўлиши мумкин. Боринг, 50 центнердан ҳосил олинди, дейлик. Шунда ҳам 1 квадрат метр жойдаги оёқости қилинган экиндан 500 грамм, гектардан 5 тонна, 100 гектардан 500 тонна дон тупроққа қорилди-ку?! 375 гектар ерда-чи? 1875

хати. Эътиборингизни масаланинг иккинчи томонига ҳам қаратсак. Бир квадрат метр жойга 625 дон урунган дон тушади. Шундан уртача 400-500 та кўча ва 675 та бошқоқ ҳосил бўлади. Агар битта бошқоқнинг оғирлиги 1 грамм бўлса, гектардан 67,5 центнердан дон етиштириш мумкин. Боринг, 50 центнердан ҳосил олинди, дейлик. Шунда ҳам 1 квадрат метр жойдаги оёқости қилинган экиндан 500 грамм, гектардан 5 тонна, 100 гектардан 500 тонна дон тупроққа қорилди-ку?! 375 гектар ерда-чи? 1875

сўзларига қараганда, бир тонна дондан 750 килограмм ун, 215 килограмм кепак олинади. Шунча ундан эса 1662 дона буханка нон тайёрланади.

Шундай экан, нега қўра-била туриб, ризқ-рўзимизни оёқости қилаемиз? Сал қарични кенроқ олиб, ён-тартидан қарайлик. Ахир, дунё бўйича қарийб 840 миллион киши бир бурда нонга зор. Шукрки, биз галла мустақиллигига эришдик. Кунин кеча четдан дон келтириш бўлса, бугун биз уни хорижга экспорт қилаймиз. Бу — тўқиллик шўхлик қилиш керак, дегани эмас-да!

Аслида галлазорларга чорва моллари осмондан тушмайди. Болаларнинг ўйинқароқлиги, катталарнинг бефарқлиги оқибатида майсалар пайхон бўлади. Уни, яъни эл-юртнинг ризқ-насибасини асраш ҳар бири-мизнинг муқаддас бурчимиздир. Бу бурчимизни қанчалик виждонан бажарсак, галла ҳосили хирмонини ҳам шўхчалик чўнг бўлади, ҳеч қанон дастурхонимиздан иссиқ нон аримайди.

Санд РАҲМОНОВ.

# БИР СИҚИМ

Халқимиз «Ноннинг ушоғи ҳам нон», деб беҳиж айтмаган. Энг азиз неъмат сифатида унинг азал-азалдан эъзозлаб келинишининг боиси шунда. Бугдўй майсалари эса юрак меҳри-ла парвариш қилиниб, унинг пайхон этилиши гуноҳ саналади. Негаки, ерга сепилган бир сиқим дон эртага сават-сават ширмой нон бўлади.



# ДОН ҚАДРИ

5 мингта экин ҳодимлари, 29 мингдан зиёд дала қоронғулар назорат ишларини олиб бормоқда. Бундан ташқари, чорва моллари кириши эҳтимоли юқори бўлган галла майдонлари

## Бугуннинг гапи

7262 километрлик четанлар билан ўраб олинган. Сабаби аён: мутахассисларнинг айтишича, 1 гектар майдонга 250 килограмм (шунча лалми ерга 130 килограмм) уруғ сепилди. Унинг парвариши учун 340 килограмм минерал ўғит ишлатилди. Бунга техника кучи ва ёнилги харажатини ҳам қўшиш. Сарфланган маблағ ҳазиласи эмас-а? Қолаверса, галла ниҳоллари бўй чўзиб, ҳосил тўплашига қадар деҳқоннинг озмунча меҳнати сиғадими? Бу — масаланинг бир жи-

ҳати. Эътиборингизни масаланинг иккинчи томонига ҳам қаратсак. Бир квадрат метр жойга 625 дон урунган дон тушади. Шундан уртача 400-500 та кўча ва 675 та бошқоқ ҳосил бўлади. Агар битта бошқоқнинг оғирлиги 1 грамм бўлса, гектардан 67,5 центнердан дон етиштириш мумкин. Боринг, 50 центнердан ҳосил олинди, дейлик. Шунда ҳам 1 квадрат метр жойдаги оёқости қилинган экиндан 500 грамм, гектардан 5 тонна, 100 гектардан 500 тонна дон тупроққа қорилди-ку?! 375 гектар ерда-чи? 1875

ҳати. Эътиборингизни масаланинг иккинчи томонига ҳам қаратсак. Бир квадрат метр жойга 625 дон урунган дон тушади. Шундан уртача 400-500 та кўча ва 675 та бошқоқ ҳосил бўлади. Агар битта бошқоқнинг оғирлиги 1 грамм бўлса, гектардан 67,5 центнердан дон етиштириш мумкин. Боринг, 50 центнердан ҳосил олинди, дейлик. Шунда ҳам 1 квадрат метр жойдаги оёқости қилинган экиндан 500 грамм, гектардан 5 тонна, 100 гектардан 500 тонна дон тупроққа қорилди-ку?! 375 гектар ерда-чи? 1875

ҳати. Эътиборингизни масаланинг иккинчи томонига ҳам қаратсак. Бир квадрат метр жойга 625 дон урунган дон тушади. Шундан уртача 400-500 та кўча ва 675 та бошқоқ ҳосил бўлади. Агар битта бошқоқнинг оғирлиги 1 грамм бўлса, гектардан 67,5 центнердан дон етиштириш мумкин. Боринг, 50 центнердан ҳосил олинди, дейлик. Шунда ҳам 1 квадрат метр жойдаги оёқости қилинган экиндан 500 грамм, гектардан 5 тонна, 100 гектардан 500 тонна дон тупроққа қорилди-ку?! 375 гектар ерда-чи? 1875

тонна! Бир ўзбек хонадонига йилга тахминан 1-1,5 тонна галла кетишини инобатга олсак, бу юзлаб оилаларнинг насибаси эмасми? Яна бир гап. «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси мутахассисларининг

# МАМЛАКАТ бўйлаб

Мамлакатимизда ёрдам ва қўмакка муҳтож инсонлар, кексалар ва ноғиронларга ғамхўрлик қўрашати Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган кучли ижтимоий сийбати мўҳим йўналишларидан биридир.



## Меҳр оғушида

Бу борада Сурхондарё вилоятида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 37 нафар қариянинг уй-жойи таъмирлаб берилди, 300 нафардан зиёд кекса ва ноғирон ҳамюртларимиз уч миллион сўмлик дори-дармон билан таъминланди.

— Бундан ташқари 310 нафар кекса отахон ва она-

хонларга республикаимиздаги санаторий ва шифохоналарда даволаниш учун бепул йўллана ажратилди, — дейди Сурхондарё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мелиқўши Раимов. — Бу хайри тадбирлар учун сарфлаган 30 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

## Соғлом она — соғлом фарзанд



Хоразм вилоят «Она ва бола» скрининг марказида репродуктив саломатликнинг долзарб масалаларига бағишланган анжуман бўлди.

Унда туман, шаҳар хотин-қизлар кўмиталари раислари, фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари, ҚВП шифокорлари, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишни янада яхшилаш, бунда репродуктив саломатлик ва репродуктив ҳуқуқ скрининг марказларининг роли ҳамда вазифалари ҳусусида гапирдилар.

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

қарор топтириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифалари, ноғиронлар ва ёлғиз кексаларга ижтимоий ёрдам қўрашати самардорлигини ошириш борасидаги ишларнинг ижросига оид масала муҳокама этилди.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий асослар тобора мустаҳкамланмоқда. Жумладан, Олий Мажлис Сенатининг яқинда ўтган тўқинчи йили мажлисида «Иод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида»ги, «Ҳоимийлик тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Мазкур қонунларнинг биринчиси йод етишмаслиги туфайли келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш, инсон саломатлигини муҳофаза қилишга хизмат қилса, иккинчиси, ҳоимийлик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Мўҳими, мазкур ҳужжатларда аҳолининг ноҳор қатламга ёрдам қўрашатида табақалаштирилган ва манзилли ёндашувни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган.

Семинарда «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш, шунингдек, соҳида келгусида амалга ошириши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

# ТАЛАБАЛАР ФОРУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

шарқшунослик институти ректори Р.Абдуллаев ва бошқалар миллат қўфаси ва нуфузи маънавиятининг нечоғли юксаклиги, қадриятларининг қадрланиши, эътиқоднинг мустаҳкамлиги билан ҳам белгилашни таъкидладилар. Шу боис Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда боқий анъаналаримизни тиклаш ва асраб-авайлашга, аҳолини, айнакиса, ёшларни буюк аждодларимизнинг бой меросига ҳурмат руҳида тарбиялашга, аллоҳларимиз номлари билан боғлиқ муқаддас қадамжоларни обод этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқимиз маънавиятининг юксаклиги, миллий ўзликини англаш билан боғлиқ бундай эзгу ишлар жаҳон микёсида ҳам кенг эътироф этилмоқда. ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши бунинг яна бир ёрқин далилидир. Анжуманда тинчлик, поклик, инсоф-диёнат, меҳр-муруват манбаи бўлган муқаддас динимизнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тўғри тушутириш, ислом маданиятининг эзгу оғюларини кенг тартибда етиш зиллилар, шу жумладан, олимлар, ўқитувчилардан катта масъулият, фидоийлик ва фаоллиқни талаб этиши алоҳида таъкидланди.

Форумда талабаларнинг

исломшунослик, маданиятшунослик, ҳуқуқшунослик ва тарихшуносликка оид маърузалари тингланади ва муҳокама қилинади. Урганч давлат университети талабаси Беҳзод Ёқубовнинг «Ислам Каримов — Маъмул академиясини қайта ташкил этилишининг ташаббускори», Тошкент ислом институти талабаси Аскар Гийсовнинг «Имом Бухорий илмий меросининг ислом оламида тутган ўрни», Тошкент ислом университети талабаси Абдумалик Тўйчибоевнинг «Ислам ҳуқуқи ва халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг ҳамоханлиги», Ўзбекистон Бадий академияси Камолитдин Беҳзод номидagi Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Зиллола Носированинг «Мустақиллик даврида Ўзбекистонда анъанавий ҳунармандликни тиклаш ва ривожлантириш масалалари» каби маърузалари таъбир иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди.

Тадбир доирасидаги кўрғазмада университет манбалар ҳазинасидаги ноҳор қўлёзмалар, анжуман иштирокчилари тайёрлаган ижодий ишлар — расмлар, ҳунармандлик буюмлари, меъморчиликка оид лойиҳалар кўрғазмаси ташкил этилди.

Ижодий викторинада эса ёшлар ислом диний тарихи, маданияти, миллий маънавиятимиз асослари бўйича ўз билимининг намоиши этди.

«Халқ сўзи» ва ўзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

ларнинг мўҳим бўғини ҳисобланган иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Музокара якунида икки томон учун манфаатли қатор ҳужжатлар имзоланди.

Хитойлик меҳмонлар Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Мустақиллик майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишдилар, ҳурриятимиз ва порлоқ истиқболимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументини кўздан кечирдилар, Темирийлар тарихи давлат музейида бўлдилар.

Ирода УМАРОВА, ўзА мухбири.

# БЕБАҲО НЕЪМАТ НАШИДАСИ



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Таълим масканларида «Темирий баҳодирлар» мусобақалари ўтказиб келинаётганлиги ҳам шундан далолатдир. Қарши педагогика коллежи талабалари «Темирий баҳодирлар» мусобақасида адирлардаги чавандозлик, ўтин ёриш, тош кўтариш баҳсларида куч синашдилар. Тошкентдан ташриф буорган бадий ижод ахлари, зални тўлдириб турган талабалар мусобақа қатнашчиларининг билими, топқирлиги ва сах-

на маҳоратини олқишлар билан қутиб олдилар. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳам юқори баҳо беришди. Беш баҳодир — Ойбек Мўқимов, Дилшод Мардонов, Ҳабибулла Йўлчиев, Улуғбек Мустафоев ва Хуршид Бекмуродовлар кимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Қашқадарёнинг қорли тоғлари, сермева боғлари, бепоён дала-дашларни битмас-туганмас илоҳом манбаидир. Бу гўшад ҳуқуқшуноснинг ёзуви, газчининг ижодкор, муаллимнинг шоира бўлган

нидан ажабланмас ҳам бўлади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг кўчма фалонлар йиғилишида бу фикр яна бир бор ўз ифодасини топди. Ҳуқуқий мавзудаги бир қатор асарлар муаллифи, яқин ўтмишда Ҳиссонгага айлантилган Одина масжиди тарихини ёзиб, мамлакатга танилган ҳуқуқшунос Сафар Каттабоев, Муборак газчиларининг вакили, ёзувчи Ориф Омонов ва шоира Ҳафиза Эгамбердиева Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

Бугун полвоннинг кунини тугди. Қураш тушиб, Юртбошидан олқиш эшитиш, зарбоф тўн қийиш, машинали бўлиш, жаҳон чемпиони деган номини олиш қайси замонда бўлган. Истиқлол туфайли ўзбек қураши оламини забт этаяпти.

Кўнгиртов этагидаги қурашга ҳам дондор полвонлар келишиди. Биринчи товоқ ҳам беэга қолмади. Жаҳон чемпиони, унинг адаши Абдулла Тангриев белини боғлаб даврага тушди. Иккинчи товоққа Амир Темирий хотира турнирида галиб чиқиб, Президент соврини — «Нексия» автомашинасини олган жаҳон чемпиони Давлат полвон қўл урди. Бошқа полвонлар ҳам бири-биридан кам эмас эди. Қураш қизгандан-қизиди. Бир пайтлар катта гиламининг тўрт бурчагида тўртта Ўзбекистон чемпиони олинган пайтлар ҳам бўлди. Давлат полвон нортурани ҳалоллаб олди. Бугунги кунини энг кучли полвони Абдулла Тангриев шахрисабзлик Шўҳрат Назаров теппа-тепа олмиши. Бақовул совринни ҳар иккала полвонга бериш билан даврага яқун ясади.

Хайр-хушланиш олдидан эълон бўлди: «Полвонлар, эртага Чирокчида катта қураш бор. Ҳаммани таклиф эта-миз». Полвоннинг кунини тугди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



**Ёш ижрочилар танлови**

Фаргона санъат коллежиди Марғилон шаҳрининг юбилейига бағишланган ёш кўшиқчилар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда катта санъат даргоҳига кириб келаётган 150 дан зиёд ёш хонанда, созанда ва ижодий жамоалар иштирок этди.

Қадимий шаҳарнинг ўтмиши, истиқлол йилларидаги бунёдкорлик ишларини саҳна кўришларида намойиш этган Кўкон шаҳар тасвирий ва амалий санъат коллежи жамоаси биринчи ўринга лойиқ топилди.

Ким-матбаҳо соврин ва иккинчи ўрин Узбекистон туманилик иқтидор соҳибаси Насибхон Маматхўжаевга насиб этган бўлса, Комилжон Азимовнинг «Марғилоним» кўшиги учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Бешариклик ларачи қизларнинг чиқишлари ҳам эътироф этилди.

Талабчан ҳайъат аъзолари голиб ёш ижрочиларнинг куй ва кўшиқларидан кутлуг ўйининг катта саҳнасида фойдаланиш ҳақида таклифлар билдирдилар.

**Набжон СОБИР,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Худудларни боғловчи кўприк**

Шахрихон туманининг бир қатор қишлоқларини қўшни Фарғона вилоятининг Кува тумани билан боғловчи йўл илгари Катта Фарғона каналини кесиб ўтарди. Яқинда мазкур канал устига замонавий кўприк қурилди. Мазкур иншоотни бунёд этиш учун бир миллиард сўмликка яқин қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

**О. ШОДНОАЛИЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган**

«Гурлан» акциядорлик жамияти 1997 йили ўзининг дастлабки маҳсулотларини харидорга etkаби берган эди. 2 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, 5 миллион 200 минг дона тайёр трикотаж буюмлари тайёрлаш қувватига эга бўлган корхонада ўрнатилган асбоб-ускуна ва дастгоҳлар бугунги кун талабларига жавоб бера олмагани тез орада маълум бўлиб қолди. Натижада маҳсулотнинг ҳажми ҳам, сифати ҳам, экспорт салоҳияти ҳам пасайди. Корхона қарзга ботиб, банкротлик даражасига етиб борди. Ишчилар эса мажбурий таътилга чиқариб юборилди.

Бу ерда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш зарурати туғилган эди. Мазкур ишга 2006 йилнинг март ойида киришилди. 26 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфланиб, Германиянинг «Тручлер», «Цинзер», «Шлафхорст», «Майер», «Брюкнер», «Стентер» ҳамда Италиянинг «Форраро» фирмаларининг замонавий ип-йиғирув, тўкув, бўёклаш каби дастгоҳлари келтирилиб ўрнатилди. 1,5 минг кишилик иш ўрни яратилди.

Эндilikда янгиланган корхона йилига 4,5 минг тонна пахта толасини қайта ишлаб, ундан 3,5 минг тонна ип-калава, 3200 тон-

**«ГУРЛАН» ЖАҲОН БОЗОРИНИ КЎЗЛАЯПТИ**

на бўйланган трикотаж мато ва 15 миллион дона тайёр трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш қувватига эга.

У ҳозирда қўқон бозорини кўзлаяпти. Чунки жорий йилда 4 миллион 752 минг АҚШ долларилик маҳсулот ишлаб чиқариш кўтилган. Унинг 80-90 фоизини эса экспортга чиқариш режалаштирилган. Шу маънода «Гурлан» акциядорлик жамияти ҳам вилоятдаги «Хоразм-Нуртоп», «Боготекстиль», «Котонтекс», «Хазораспекстиль» каби корхоналар қаторида Хоразм иқтисодиётининг таянч ва устунига айланиши, шубҳасиз.

— Ташқи бозорнинг ўз тошу тарозиси бор: талаб жуда қаттиқ ва ўзгарувчан, — дейди жамият бошқаруви раиси Мансуржон Юсупов. — Бирок бу бизни чўчитолмайди. Негаки, дастгоҳларимиз ишончли: уларни кўп йиллар тинимсиз ишлатиш мумкин. Ишчи-муҳандисларимиз ҳам малакали.

Тўғри, сифатли маҳсулот тайёрлаш учун хомашё асил бўлиши лозим. Шунинг учун энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган лабораториямизда унинг сифатини назорат қилиб борамиз. Корхона цехларини айланиб, раиснинг гаплари ҳақиқат эканлигига амин

назоратида. Жамоа 4 маҳал иссиқ овқат билан таъминланади, шу ернинг ўзида иссиқ нон ёпилади. Ишга бориб-келишлари учун корхона томонидан транспорт ажратилади.

Гарчи корхона эндигина иш бошлаган бўлса-да, ҳозиргача ўз маблағи ҳисобидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 5 миллион сўмлик, тумандаги мактаблардан бирига 117,1 минг сўмлик хомийлик ёрдами кўрсатди. Туман касалхонаси туғуруқ бўлими ва Урганч шаҳридаги 4 қаватли уйлاردан бирининг тўлиқ таъмирланишига ҳисса қўшди.

Бугунги кунда меҳнат аҳли янги режаларни амалга ошириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Хусусан, жорий йилда Москва шаҳри ва Туркияда акциядорлик жамиятининг ваколатхоналари очилади. Унинг маҳсулотлари эса Германия, Испания, Россия ва АҚШ давлатларига экспорт қилинади.

**Ойбек РАХИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**ЖАҲОН 24 соат ичида**

**Қонунни бекор қилмоқчи**

Австралия Бош вазири Жон Ховардинг таъкидлашича, ҳукумат мамлакатда амал қилаётган атом sanoатини ривожлантиришни тақиқловчи қонунни бекор қилишга эришмоқчи.

Бу ҳақда «The Times» газетаси хабар тарқатди. Ховард сал олдинроқ АЭС қуриш масаласида мамлакатда умумхалқ референдуми ўтказиш таклифи билан ҳам чиққан

эди. Жамоатчилик орасида ўтказилган сўрономалар натижаларига қараганда, аксарият австралийликлар ушбу гоғни қўллаб-қувватлаши мумкин.

**Миллиардерлар маблағи қанча?**

Сўнгги бир йил давомида Буюк Британиядаги аксарият бой одамларнинг молиявий маблағи 20 фоизга кўпайган.

Бу ҳақда «Sunday Times» газетаси хабар тарқатди. Таҳририят ҳар йили мамлакатдаги бадавлат кишилар рўйхати ва уларнинг молиявий аҳоли ҳақида маълумот бериб боради. Бугунги кунга келиб Бирлашган Қиролликдаги миллиардерларнинг умумий маблағи 716,4 миллиард долларга етди.



**Истеъфога чиқмоқчи**

Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр шу йилнинг 10 май кuni истеъфого чиқиши мумкин. «The Daily Mirror» газетаси мамлакат ҳукуматининг юқори лавозимли шахси берган маълумотга таяниб хабар тарқатди. Унинг сўзларига кўра, Блэр ўз оиласи, дўстлари ва маслаҳатчилари билан келишган ҳолда мазкур санани танлаган.

**Ал-Ироқий Гуантанамода**

Пентагоннинг расмий вакили Покистон Президенти Парвез Мушаррафга суиқасд уюштиришни режалаштираётган «Ал-Қоида»нинг етакчиларидан бири қўлга олинганини маълум қилди. Абделходи ал-Ироқий Покистондан Ироққа ўтиб кетаётганда чегарада қўлга олинган. Ҳозирда у Гуантанамо қамқоғонасида сақланмоқда. Вакилнинг сўзларига кўра, ал-Ироқий турли мамлакатларда терактлар амалга ошириш билан шуғулланиб келган.

**Томонлар муносабати**

«ФАТХ»нинг ҳарбий қаноти Исроил билан эришилган тинчлик битимидан чиқишни маълум қилди, дея хабар беради «Арутэ Шева» телеканали. Гурӯҳ баёнотида айтилишича, Фаластинда Исроилга нисбатан жиддий қаршилик бошланган. Бундан олдинроқ «ХАМАС» ҳам тинчлик келишуви бекор бўлганини эълон қилган. Манбада келтирилишича, Ҳазо секторида гоғи-гоғида томонлар ўртасида ракета ҳужумлари бўлиб турибди.

**Бағдодда махсус амалиётлар**

«Рейтер» ахборот агентлигининг хабар қилишича, америкалик ҳарбийлар оғир артиллерия ёрдамида Бағдоднинг жанубий ҳудудида махсус амалиётлар ўтказди. Ҳарбийлар нима максатда жанубий ҳудуд ўққа тутилганига изоҳ беришмади. Ироқ полицияси вакилининг сўзларига кўра, мазкур ҳудудда жойлашган

Америка ҳарбий базасига ҳужум уюштирилган ва ҳарбийлар бунга жавоб қайтаришган. Ҳозирча нечта жангари йўқ қилинган ҳақида бирор маълумот йўқ. Турли манбаларда айтилишича, акшанба кuni содир этилган терактлар оқибатида 4 нафар америкалик ҳалок бўлган.

**Савдо марказидаги фожиа**



Миссури штатининг Канзас-сити шаҳридаги савдо марказларидан бирида фожиа руй берди. Гувоҳларнинг сўзларига кўра, қуролланган шахс машинадан тушган ва тартибсиз равишда одамларга қарата ўқ ота бошлаган. Сўнгги маълумотларга кўра, унчи киши ҳалок бўлган, икки киши жароҳатланган. Полиция ходимлари жиноятчини воқеа жойида отиб ўлдирган.

Ҳозирча жиноятчи ҳақидаги маълумотлар ошқор этилганича йўқ.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.


**«Ўзбек-давлат-цирки» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ**

гимнастика, акробатика бўйича спорт разрядларига эга, ёши 16 дан 30 гача бўлган йигит ва қизларни, шунингдек, «Меҳрибонлик» уйлари, интернатлар тарбияланувчиларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Матчонов раҳбарлигидаги аттракционда цирк номерларини тайёрлаш ва кейинчалик чет эл гастроль сафарига бориш учун ишга таклиф этади.

Қунидаги телефонларга: 144-35-09, 144-37-31 соат 9:00 дан 17:30 гача, 171-29-61 (ҳолқалар вақтида), 393-14-84 (соат 19:00 дан кейин) мурожаат қилиш мумкин. Четдан келганларга меҳмонхонадан жой берилади.

**Об-ҳаво қандай бўлади?**

**Иқлим**



■ Республика Гидрометеорология хизмати марказидан олинган маълумотларга қараганда, бугун ва эртага юртимизда ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади.

3-5 май кунлари ҳаво яна очилиб кетади. Фақат 4-5 майда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Шамол шарқдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Момақалдироқ туфайли унинг тезлиги секундига 15-20 метргача етади. Ҳарорат кечалари 12-17, кундуз кунлари эса 25-30 даража илиқ бўлади.

Мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларида ҳам ҳаво ўзгариб туради. Майнинг илк кунлари баъзи ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. 3-5 майда ёғингарчилик кузатилмайдми. Ҳарорат кечалари 5-10, кундуз кунлари эса 15-20 даража илиқ бўлади.

**«Parvina-Quruvchi PVS» МЧЖ ва «Sino» ОАЖ**



сизнинг эътиборингизга замонавий технология бўйича тайёрланган, тез суръатда йиғилиб, қисқа муддат ичида ишга туширишга мўлжалланган, металлопластикдан тайёрланган

**ПАВИЛЬОНЛАР КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

Замонавий технология бўйича тайёрланган павильонлар буржумачининг хоҳишига кўра, хизмат кўрсатиш соҳаларида, яъни савдо шохобчаси, маркет, ошхона, кафе, дорихона, маиший хизмат кўрсатиш устaxonаси, уяли телефон компаниясининг уланishi ва тўловни амалга ошириш шохобчаси, шунингдек, иссиқхона ва парранда фермаси ҳамда бошқа мақсадларда фойдаланиладиган хоналарга айлантирилиши мумкин. Конструкциялар ҳаво ҳароратини совутишда, хонани иситиш ва совутишда электр қувватини тежашга кафолат беради.

Шунингдек, ўз хусусиятлари билан металлдан қолишмайдиган, ўта технологик, оғирлиги енгил бўлган, янги технология бўйича ПВХдан тайёрланган, томларни ёпиш материалли сифатида ишлатиладиган махсус пластикни таклиф этади.

Баҳоси — монтаж ишлари билан 1 кв. м. учун 9000 сўм ва ундан юқори. Кафолат — 20 йил.




Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш., Спитамен шoҳ қўчаси, 270-уй. Тел.: 8 (366) 221-41-21, 222-43-68. E-mail: parvina-pvs@rambler.ru www.parvina.uz

**Устоз ва шогирдлар ҳисоботи**

Наманган вилояти ўлкашунослик музейида очилган ноанъанавий кўргазмада устоз ва шогирд мусавирлар асарлари намойиш этилмоқда. Томошабинлар Пўлатхон Жалилов, Эркин Аъзамов, Абдурасул Иброҳимов сингари ижод намуналари қаторида Беход Ашуров, Нигора Ҳайдарова сингари умидли ёш мўйқалам соҳибларининг янги чизгилари билан ҳам яқиндан танишмоқдалар.

Ўз мухбиримиз.



**Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!**

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ**  
2007 йилда қуриладиган кўйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Иншоот номи	Қуввати	Буржумачининг бошланғич нархи (млн. сўм)
<b>Халқ таълими объектлари</b>		
Лот 1-1. Бухоро туманининг Ф. Аллаёр ширкат ҳўжалигидаги 27-сонли мактаб	624	43,715
Лот 1-2. Когон туманининг «Когон» ширкат ҳўжалигидаги 3-сонли мактаб	784	51,009
Лот 1-3. Жондор тумани марказидаги 1-сонли мактаб	1176	73,584
Лот 1-4. Жондор туманининг «Қароли» ширкат ҳўжалигидаги 16-сонли мактаб	520	36,408
Лот 1-5. Олот тумани марказидаги 28-сонли мактаб	624	43,715
Лот 1-6. Шофиркон туманининг «Ҳайдаробод» ширкат ҳўжалигидаги 33-сонли мактаб	560	39,215
Лот 1-7. Қорақул тумани марказидаги 8-сонли мактаб	1176	73,600
Лот 1-8. Ғилдувон туманининг Ибн Сино ширкат ҳўжалигидаги 36-сонли мактаб	945	59,111
Лот 1-9. Коровулбозор туманининг «Бузачи» ширкат ҳўжалигидаги 4-сонли мактаб	624	43,608

Қурилиш ишлари бюджетдан ташқари мактаб жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Мазкур иншоотлар бўйича таъмирлаш ишлари жорий йилнинг биринчи августигача тугатилиши шарт.

Қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқинида бўлган, мулк ҳатлаб қўйилган талабдорлар ва таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, ҳолдинг шаклидаги ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бирига бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг танлов савдоларида қатнашиши тақиқланади.

Талабдор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қўйидаги талабларга мос келишлари керак: устас сармосяи миқдори, танлов савдолари предметининг қамчида 20 фоизи миқдорда айланма маблағларга ёки курсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўқаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шoҳ қўчаси, 5-уй, 18-хона. Телефон: 223-96-29. Факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари битта ЛОТ тўпламининг (комплект) қиймати — 60 000 сўм. Оферталар савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қўйидаги манзилда қабул қилинади: Бухоро шаҳри, Навоий шoҳ қўчаси, 5-уй, 18-хона. Телефон: 223-96-29. Факс: 223-97-51.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш кuni ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, ўттиз кундан кейин қуйидаги манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шoҳ қўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00да бўлиб ўтади.

**ОИТС, сил, безгак касалликларининг олдини олиш бўйича**

**ГЛОБАЛ ЖАМҒАРМАСИ ГРАНТ ЛОЙИҲАСИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА ҚЎМИТАСИ КОТИБИЯТИ**

7 раунд талабномаларини қабул қилади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қoшида ишчи гуруҳи ташкил қилинган. Агар сизни қизиқтирган саволлар ёки қатнашиш таклифи бўлса, ўз фикр ва мулоҳазаларингизни мувофиқлаштирувчи республика қўмитаси котибияти қабул қилади. Талабнома шартларини Глобал жамғарманинг <http://www.globalfund.org> интернет сайтдан олишингиз мумкин.

Талабнома таклифларини мувофиқлаштирувчи республика қўмитаси котибиятининг қуйидаги манзилга:

Тошкент ш., «Халқлар Дўстлиги» к., 46-уй, 7-қават ёки қўмитанинг E-mail: ccm@gfaids.uz электрон почтасига юборишингиз мумкин.

Талабнома таклифларини қабул қилиш мuddати 2007 йил 15 майгача давом этади.

**«Крокус Газ Сервис» ҚҚ (Чкалов номи ТАИЧБ ДАБ)**

«Газсерайс» ЕАҲ ва «Сигнал» ЭАБнинг (Россия) Ўзбекистон ҳудудларида расмий вақили бўлиб, турли русумда ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган шикитиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Қўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:  
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, sanoат моллари қаторидаги 1-дўкан. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.  
2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесинган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

